## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1399-ҳадис

1399/3434 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ الله عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صلى الله عليه وسلم يَقُولُ: نِسَاءُ قُرَيْشٍ خَيرُ نِسَاءٍ رَكِبْنَ الْإِبِلَ، أَحْنَاهُ عَلَى طِفْلٍ، وَأَرْعَاهُ عَلَى زَوْجٍ فِي ذَاتِ يَدِهِ.

1399.3434. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Қурайш аёллари туя минган аёлларнинг энг яхшисидир, болага жуда меҳрибон, эрнинг молига ўта риоякордир»**.

Абу Ҳурайра бунинг кетидан: «Марям бинт Имрон ҳеч қачон туя минмаган», деди.

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI